

Ақийда дарслари (140-дарс). Амалнинг фойдаси бўлармикан ёки йўқми?



18:00 / 28.06.2021 3225

Мусулмон инсон бўлажак ишларда «Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир» жумласини шиор қилиб олиб, ўзини амалга уриши керак. Ўзи учун яхшилик амалларни қилиш муяссар эканини исботлашга ҳаракат қилиш лозим.

Бундай яхши ишларга муяссар бўлганда эса хурсанд бўлиши даркор. Баъзи кўнгилсиз ишлар бўлиб қолганда, уларни хато, ожизлик ҳисоблаб, дарҳол тавба қилиши, ёмон амаллар ўзи учун муяссар эмаслигини исбот қилишга уриниши керак.

Бўлажак ишлар қаршисида мусулмон инсон ўзини қазои қадарга нисбатан қандай тутиши лозимлиги, саҳобаи киромлар ҳамда салафи солиҳлар доимо ўзларини «яхши ишга муяссар кишилар» дея ҳисоблаб яшаганлар. Мусулмон бўлишларини катта бахт аломати деб билишган.

Ҳаётлари давомида ўзларини доимо яхши ишга уриб яшашган.

Тақво билан бетавфиқликка бирданига дуч келсалар, яхши амалга муяссар бўлиш ниятида ўзларини тақвога урганлар.

Сахийлик билан бахилликка дуч келсалар, ўзларини сахийликка урганлар.

Ишчанлик ва дангасаликка дуч келсалар, ўзларини ишчанликка урганлар.

Бутун умрларини, қандай қилиб кўпроқ савобли амал қилар эканман, деган фикр ва ҳаракат билан ўтказганлар.

Шунинг учун ҳам улар чарчоқ, машаққат, қийинчилик ва ўлимдан заррача кўрқмаганлар.

Шунинг учун ҳам барча тўсиқларни осонлик билан енгганлар.

Шунинг учун ҳам уларга доимо муваффақият ёр бўлган.

Қазои қадарга бўлган шу шаклдаги иймон заифлашганда эса ҳамма ишлар орқага кетди.

Амал қилиш ўрнига қазои қадарни тесқари таъвил қилиб, «амалнинг фойдаси бўлармикан ёки йўқми», деб қуруқ сафсата сотилганда, ишлар расво бўлди. Бунинг натижасида беҳуда жанжал кўпайди. Исломий фазилатлар ўрнини иккиланиш, кўрқоқлик, дангасалик ва бошқа разолатлар олди.

Натижада салафи солиҳлар ўрнига кимлар келди?

«Бас, уларнинг ортидан бир ўринбосарлар қолдики, улар намозни зое қилиб, шаҳватларга эргашдилар. Бас, тезда ёмонликка йўлиқурлар» (Марям сураси, 59-оят).

Мусулмонлар ўз шахсиятларини, муносиб ўринларини тикламоқчи бўлсалар, қазои қадарга бўлган иймонларини аввалги соф ҳолига келтиришлари ҳам ўта зарур ишлардан бири эканини унутмасликлари керак.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди